



Tadqiqot uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№18
31 июль

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 18-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
9 - ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
18-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ- 9**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
18-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART- 9**

ТОШКЕНТ-2020

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

1. Фаррух Файзиев Абдуллахожаевич НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ РАСШИРЕНИЯ ДОХОДОВ МЕСТНОГО БЮДЖЕТА	8
2. X.Xudayarova INNOVATSION RIVOJLANISHNISHDA QO‘LLAB QUVVATLOVCHI IMKONIYATLAR VA DUCH KELINADIGAN MUAMMOLAR.....	11
3. Абдурахимова Гулчирой Махамматжон кизи ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ	13
4. Беркинов Бозорбой МАҲАЛЛА КОМПЛЕКСИНИ ҚУРИШ ВА ОИЛА ТАДБИРКОРЛИГИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	15
5. Карабекян Светлана Хамдамовна, Базарова Маира Хамдамовна РОЛЬ ИННОВАЦИИ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ	18
6. Лапасова Санобар Убайдуллаевна ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ	20
7. Шакирова Гўзал Абраловна МАҲАЛЛА ФАРОВОНЛИГИ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ПОЙДЕВОРИ	22
8. Шакирова Гўзал Абраловна ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	25
9. Юлдашев Элдор Илхомжонович, Юлдашева Ниҳола Тоҳир кизи ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ САВДОНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	27
10. Юлдашев Элдор Илхомжонович, Юлдашева Ниҳола Тоҳир кизи ТАШҚИ САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЭКСПОРТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ	32
11. Odilova Sitora Sayfitdin THE CURRENT POSITION OF THE JUICE AND JUICE MARKET AND ITS HISTORICAL DEVELOPMENT.	36
12. Авезова Шахноза Махмуджановна ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ УПРАВЛЕНИЯ ТРУДОВЫМИ РЕСУРСАМИ.....	38
13. Раджабова Гавхар Умаровна, Абдуллаев Абдулходи Абдулла ўғли РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА КАДРЛАР КОМПЕТЕНТЛИГИ	41
14. Махамматова Хилола Эгамбердиевна, Абдурахимова Гулчирой Махамматжон кизи ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТИЗИМИНИНГ РОЛИ	46
15. Юлдашев Элдор Илхомжонович, Юлдашева Ниҳола Тоҳир кизи ТОВАРЛАР ТАШҚИ САВДОСИ: ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ	49
16. Юлдашев Элдор Илхомжонович, Юлдашева Ниҳола Тоҳир кизи COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ.....	52
17. Jumaniyazova Sharifa Rashidovna, Allanazarov Otaxon Bayramboyevich O‘ZBEKISTON TURIZMI SOHASIDA MENMONXONA HO‘JALIGINING RIVOJLANISH HOLATI. (Xorazm viloyati misolida)	55
18. Maxmudov Dostonbek Soyibjon o‘g‘li KEYNESIAN MODEL AND THE MODERN ECONOMY	57
19. Шукуров Акмал Уктамович, Жабборов Элбек Эркин ўғли ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТИЗИМЛАРИДА ВИРТУАЛ САВДО МАЙДОНЛАРИ	58
20. Шукуров Акмал Уктамович, Жабборов Элбек Эркин ўғли ОНЛАЙН ВА ОФЛАЙН РЕКЛАМАНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	60



ТАШҚИ САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЭКСПОРТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ

*Юлдашев Элдор Илхомжонович
ТДИУ 1-босқич докторанти
Телефон: +998(98)3630506
e.yuldashev@tsue.uz*

*Юлдашева Ниҳола Тоҳир қизи
Ўзбекистон МУ талабаси
nihola.yuldasheva98@mail.ru*

Аннотация: Мақолада ташқи савдо фаолияти таҳлил қилиниб, унинг асосий хусусиятларини ўрганиши ва уни мамлакатимиз иқтисодиётига мослаштирган ҳолда тадқиқ этиши бўйича таклифларимиз келтирилган.

Таянч иборалар: халқаро савдо, ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт, савдо баланси, экспорт таркиби, товарлар ва хизматлар экспорти.

Аннотация. В статье мы предлагаем организовать торговую деятельность, систематизировать ее основные особенности и адаптировать ее к развитию экономики нашей страны.

Кириш.

“Made in China” – ҳаммамизга маълум бу сўз Хитойнинг дунёда қай даражада тараққий этган мамлакат эканлигини яққол намунасидир. Ҳозирги кунда истеъмолчимиздаги кўплаб буюмлар ва саноат корхоналаридаги асосий воситаларда ушбу ёзувни кўриш одатий ҳолга айланиб қолган. Бу мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини, ташқи савдода, умуман олганда, барча соҳаларда юксак марраларга эришаётганидан далолат беради. 1979 йилдан бошлаб Хитой иқтисодий ривожланишнинг янги даврини бошлади. Кўпгина хорижий ташкилотлар билан тенг манфаатли алоқларни йўлга қўйиши ва юқори самарали инновацион янгиликларга бўлган интилишининг ортиши натижасида Хитойнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни янада юксалиб, энг ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий рақобатга кириша оладиган мамлакат даражасига эришди ва бутун дунё эътиборини қозонди.

Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий ислохотлар ва савдони либераллаштиришдан олдин, яъни, қарийб 40 йил аввал, Хитой жуда камбағал, турғун, марказлашган ҳукумат орқали иқтисодиётни қўллаб-қувватлаган, асосан, самарасиз ва глобал иқтисодиётдан нисбатан изоляция қилинган эди. 1979 йилда ташқи савдо ва инвестициялар ва эркин бозор ислохотларига йўл очилганидан бери, Хитой дунёдаги энг тез ривожланаётган иқтисодиётлардан бири бўлиб, реал ялпи ички маҳсулот ўсиши 2018 йилга келиб ўртача 9,5% ни ташкил етди. Жаҳон Банки томонидан “тарихдаги йирик иқтисодиётнинг энг тез барқарор ривожланиши” деб тан олинган (Congressional Research Service Paper, 2019).

Янги эрада иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи иқтисодиётнинг «мувозанатсиз ва етарли даражада ривожланмаганлиги» ва «одамларнинг яхши ҳаётга тобора ўсиб бораётган еҳтиёжлари» ўртасидаги қарама-қаршиликлар бўлган. Янги эрадаги иқтисодий қийинчиликлар иқтисодиётни одамларнинг еҳтиёжларини яхшироқ қондиришга имкон беришга қаратилган. Шу тарзда, Хитой ҳукумати ислохотларни чуқурлаштиришга, очикликни кенгайтиришга ва сифатни яхшилашни ўз зиммасига олди...

... Иқтисодий ислохотларнинг энг муҳими бу кўплаб соҳаларда (пўлат, цемент, пол копламали шиша, алюминий, кемасозлик, куюш панеллари ва кўмир қазиб олиш) ва «зомби корхоналари» деб номланган рационализацияга асосланган корхоналарда таъминот томон йўналтирилган таркибий ислохотлар эди. Бозор ҳал қилувчи ролни ўйнаши ҳам ислохотларнинг асосий мақсади эди (www.researchgate.net/publication/326647055).

Хитойнинг глобал иқтисодиётга тобора яқинлашиши халқаро савдонинг барқарор ўсишига ёрдам беради. Унинг экспорти тобора диверсификация қилинмоқда ва саноати ривожланган мамлакатлар бозорларига кенг кириб бориши, Хитойнинг импорти кўп бўлган минтақалар бўйича ихтисослашишда тобора муҳим рол ўйнашига олиб келди. 1980



йилларда Хитойда тариф ислохотлари амалга оширилди; яқинда Жяхон Савдо Ташкилотига кириши билан, Хитой узоқ ва мураккаб ислохотларни давом эттириш мажбуриятини олди. Ушбу мажбуриятларнинг барқарор бажарилиши Хитойнинг халқаро интеграциясини янада чуқурлаштиради ва кўплаб шерик мамлакатларга фойда келтиради (International Monetary fund Working Paper, 2004, WP/04/36).

Тадқиқот методологияси.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги ҳозирги шароитни ҳисобга олган ҳолда ташқи савдо фаолиятига ташқи иқтисодий фаолиятининг ривожланиш жараёнлари устида аналитик ва синтетик таҳлиллар ўтказиб, ташқи савдони барқарорлигини сақлаб қолишда турли иқтисодчи олимларнинг изланишларини ўрганиб, назарий ва амалий статистик материал ва маълумотларни йиғиш ва уларни таққослаш усулларини қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Хитойнинг ташқи савдо фаолиятини ривожланиш йўлини ўрганиш учун биз унинг бу соҳадаги статистик кўрсаткичларини таҳлил қилиб олишимиз керак бўлади. Қуйида жадвалда Хитойнинг асосий экспорт маҳсулотларининг яқунланган охириги 3 йиллик ҳолатини кўриб чиқишимиз мумкин.

1- жадвал

Хитойнинг асосий экспорт маҳсулотларининг ўсиш динамикаси¹ (млн. АҚШ долл.)

Маҳсулотлар номи	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Электр машиналари ва жихозлари ва уларнинг қисмлари; овоз ёзиш мосламалари ва карнайлар, телевизор ...	598 325,00	664 425,00	670 997,00
Машиналар, механик қурilmалар, ядровий реакторлар, қозонхоналар; унинг қисмлари	383 243,00	429 953,00	416 975,00
Мебел; чойшаблар, замбил, замбил қопламалари, ёстиқлар ва шунга ўхшаш юмшоқ мебеллар; ...	88 973,00	96 417,00	99 500,00
Пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар	70 000,00	80 136,00	84 387,00
Темир йўл транспорти ёки трамвай ҳаракатланадиган таркиби ва уларнинг қисмлари ва мосламалари, ер ости транспорт воситалари бундан мустасно	67 263,00	75 094,00	74 367,00
Оптик, фотосурат, кинематография, ўлчаш, текшириш, аниқлик, тиббий ёки жарроҳлик ...	70 616,00	71 444,00	72 996,00
Жами	2 263 371,00	2 494 230,00	2 498 570,00

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Хитой дунё саноатининг энг талаб юқори бўлган маҳсулотларини экспорт қилишга ихтисослашган.

2- жадвал

2018-2019 йилларда Хитойнинг товарлар экспорти динамикаси² (млрд. АҚШ долл.)

Давлатлар	2018 й 1 чорак	2018 й 2 чорак	2018 й 3 чорак	2018 й 4 чорак	2019 й 1 чорак	2019 й 2 чорак	2019 й 3 чорак	2019 й 4 чорак
Хитой	544,69	625,99	657,87	665,67	551,42	620,16	654,46	672,52
АҚШ	402,51	427,36	412,38	421,81	408,22	415,39	406,14	415,43
Германия	403,17	398,95	378,62	375,88	381,45	371,13	367,57	366,31

2-жадвалда охириги 2018-2019-йиллар давомида Хитойнинг товарлар экспорти динамикаси келтирилган бўлиб, АҚШ ва Германиядан жуда катта устунлик билан илгарилаб келган.


Қуйидаги графикда Хитойнинг охириги 3 йилдаги товарлар бўйича савдо баланси ойлик ўзгаришлари келтирилган:

¹ Жадвал <https://www.trademap.org/> сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

² Жадвал <https://www.trademap.org/> сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.




Хитойнинг товарлар экспорти динамикаси¹ (млрд. АҚШ долл.)



Ушбу графикдан Хитойнинг 2020 йил январ ва феврал ойларида товарлар бўйича савдо баланси ўрганилаётган даврда энг паст даражани кўрсатган 2018 йил март ойидан ҳам паст даражага тушиб кетган бўлсада, 2020 йил апрель ойига келиб ўзининг ушбу даврдаги энг юқори нуқтасига эришган.

Куйидаги графикда Хитойнинг охириги 2011-2020 йилларда реал ЯИМ ўсиши ва 2021 йил учун прогнозлар келтирилган:

Хитойнинг реал ЯИМ ўсиш динамикаси² (млрд. АҚШ долл.)



Ушбу графикдаги маълумотлар Хитойнинг 2011 йилдан ҳозирги кунгача Я И М н и н г ўсиши пасайиб борганини кўрсатсада, уларнинг прогнозига кўра 2021 йилда ушбу даврдаги энг юқори кўрсаткичга эришиш кутилмоқда.

¹ График <https://www.statista.com/statistics/271637/monthly-trade-balance-of-china/> сайтдан олинган.

² [statista.com/statistics/263616/gross-domestic-product-gdp-growth-rate-in-china](https://www.statista.com/statistics/263616/gross-domestic-product-gdp-growth-rate-in-china) сайтдан олинган.



Хулоса ва таклифлар.

Дунё мамлакатлари орасида қисқа давр ичида катта ўзгаришларга эриша олган Хитой ўз иқтисодиётини ривожлантиришни иқтисодий эркинликлар ва кенг шароитлар яратиш ва валюта тизимини ислоҳ қилишдан бошлаган. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг ислохотлар эса Хитойнинг иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича “Рекорд” кўрсаткичларини янгилаш имконини беради. Аммо шу билан бирга, Хитойнинг турли соҳалардаги илғор ютуқларини мамлакатимиз ривожини учун тўғридан тўғри қўллаш эмас, балки уни мос ва муҳим жиҳатларини тадбиқ этиш жоиз. Мамлакат ташқи савдо фаолиятини кенгайтиришда асосий эътиборни ЯИМни кўпайтириш ва унинг соҳаларини кенгайтириш, турли саноат соҳаларига техника ютуқларинигина эмас, балки, автоматика ютуқларини кенг жалб қилиш, рақамли дунё ютуқларини нафақат иқтисодиётга, балки, барча соҳаларга кенг жалб қилиш зарур, яъни, “Push-Button World”дан “Digital world”га қисқа муддатда ўтиш талаб қилинади.

Адабиётлар:

1. www.researchgate.net интернет сайти
2. <https://www.trademap.org> интернет сайти
3. www.statista.com/statistics/271637/monthly-trade-balance-of-china/ интернет сайти